

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ИФОДАЛИ ЎҚИШНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ УСУЛЛАР

Суворова Любов Николаевна

2-сонли мактабда

рус тили фани ўқитувчиси

Аннотасия: Барчамизга яхши маълумки, бошлангич синф босқичи таълим тизимининг негизидир. Чунки ўқувчининг деярли барча қобилиятлари айнан ўша даврда кўрина бошлайди ва ривожлантирилади. Баъзи ўқувчилар шеър ёза бошлайди, баъзилари чиройли нутқ ёгаси бўлишини исботлай бошласа, айримлари расмни жудаям чиройли чизади. Ўқитувчининг зиммасида ўша пайти масъулият кучли бўлади, ўқувчиларни қобилаятига қараб уларга шароитлар яратиб бериши зарур. Ушбу мақолада ўша чиройли нутқ ёгалини шаклантиришида ёрдам берувчи ҳар бир тилда мавжуд бўлган ифодали ўқии бўйича айрим тавсиялар, усуллар ва унинг бола нутқидаги аҳамияти тўхталиб ўтамиз

Калит сўзлар: ифодали ўқии, усул, нутқ, бўг ъ, сўз, талаффуз

Abstract: As we all know, the elementary school level is the foundation of the education system. Because almost all the student's abilities begin to appear and develop in that period. Some students begin to write poems, some begin to prove that they are the owners of beautiful speech, some draw very beautifully. At that time, the responsibility of the teacher becomes strong, it is necessary to create conditions for students according to their abilities. In this article, we will discuss some expressive reading tips and techniques available in each language to help develop those beautiful speakers and their importance in child speech.

Keywords: expressive reading, method, speech, syllable, word, pronunciation

Аннотасияда айтиб ўқтганимиздек, бошлангич таълим ўқувчи ҳаётидаги енг асосий бўғин хисобланади. Унда ўқувчи ёзишни, ўқишини, фикр билдиришни ўрганади. Бундан ташқари, қобилиятини кўрсата бошлайди. Бу пайтда ўқитувчи жудаям сезгир бўлиши ўқувчининг нималарга қобилаяти, иқтидори бор шуларни ўқувчининг ўзига тушунтириши ва бундан ташқари унга тавсиялар бериши, керак бўлса, ота-онасига ҳам тушунтириш ишларини олиб бориши зарур. Бу билан, битта ўқувчини бўлса ҳам ўзининг иқтидори бўйича касб танлашига сабабчи бўлиб қолиши мумкин. Қобилаятлар дедик, қобилаят ўзи нима, деган савол туғилади. Шеър ёзиш ҳам қобилият, равон нутқда гапира олиш қобилияти, расм чиза олиш қобилият, ажабтовор нарсалар ясаш ёинки, уларни ихтиро қилиш қобилият. Қобилиятнинг турлари жудаям кўп, ушбу мақолада еса биз айнан нотиқларни шакллантирувчи усуллардан бири, яъни унинг бошлангич мезони ифодали ўқиш ҳақида гаплашамиз. Дастреб ўқувчи ўқишини, ёзишни ўрганади. Аста-секин унга мустақил китоб танлай бошлайди, ўқиган китобини тўғри баҳолай олиш кўнималари шакллантирилади. Бошлангич синфларда ўқувчилар сўзларни тўғри бўғинларга ажратса олиши керак, бунинг учун ўқитувчи ҳар бир ўқувчи

билин ишлаш ўқувчилар билан тўғри муомалада бўлиши зарур. Ифодали ўқиши турли бадиий ва амалий матнларни пухта ўзлаштиришнинг маълум методларидан бири сифатида ўқитувчи учун калит ролини бажаради. Ифодали ўқиши дарсларида ўқувчиларнинг зерикишига йўл қўймайди, аксинча фаоллаштиради, бадиий асарларга қизиқишини кучайтиради, адабиётга ҳавас уйғотади. Ифодали ўқиши ва ўзаро нутқий фаолият жараёнида болаларнинг адабий талаффуз меъёрлари шаклланади. Ўқувчилар нутқининг грамматик шаклларини тўғри қўллаш ва тўғри талаффуз етиш болалар нутқининг равон, ифодали бўлишига ёрдам беради.

Ифодали ўқиши шакллантиришда маълум қоидалар мавжуд:

- Адабий тил талаффуз нормаларини яхши билиш;
- Нафасдан тўғри фойдалана олиш;
- Сўз, бўғин ва товушни тўғри, аниқ талффуз етиш;

Айнан мана шу қоидалардан фойдаланган ҳолда ўқиши кўнилмаларини тўғри шакллантириш мумкин. Тўғри ўқиши малакасини ўстириш учун шошмасдан, ҳарфларнинг ўрнини алмаштирасдан, сўз қўшимчаларни тўлиқ ҳолда орфоепия қоидаларига риоя қилиб ўқилиши лозим. Бунда ўқитувчи, даставвал ўқувчига тўғри бўғинга бўлиши ўргатиши зарур. Ўқувчи тўғри бўғинга бўлиши билгандан кейин, сўзларни қўшиб ўқий бошлади. Ва сўзларни ўқиши тезлаштиради. Ўқиши тезлигини ошириш учун ўқувчиларнинг онгли ўқиши катта аҳамиятга ега. Онгли ўқиши – матнни тўла ва аниқ тушуниб ўқишидир. Онгли ўқиши юзасидан қилинадиган ишлар ўқувчиларни ўқилаётган матн мазмунини чуқур англаб олишга, мантиқий фикрлашга ўргатади, уларнинг фикр ва малакаларини кенгайтиради. Бундан ташқари ўқувчи ўқиётган матнини ҳар бир сўзини тушуниб ўқиши зарур. Шундагина, у келажакда чиройли ва равон нутқ егаси бўлиб шакллана олади. Ўқишининг онгли бўлишига ёрдам берадиган воситалардан бири бу тўғри ўқишидир. Ўқиганда хато қилмай, сўзларни бузмай, товуш ва бўғинларни тушириб қолдирмай ёки ўрнини алмаштирасдан охирги бўғинларни яъни қўшимчаларни тўғри талаффуз етиш, орфоепия қоидаларига риоя қилиш тўғри ўқиши таъминлайди. Тўғри ўқиши малакасини ҳосил қилиш ўқишининг ҳамма жараёнида олиб борилади. Ўқиши онгли бўлсагина тўғри ва тез ўқиши малакаси ҳосил бўлади.

Ўқиши бўйича қўйидаги усулларни қўллаш мумкин:

"Тез ўқиши мусобақаси" ни ўтказиш болаларга алоҳида хузур бағишлийди. Бунда ҳар қайси боланинг матнни бир вақтда ўқишига бошлаши, матнни охиригача маълум вақтда ичларида ўқиб тугатиш лозимлиги айтилади. Биринчи бўлиб ўқиб бўлган болалар белгилаб борилади ва ўқиганларини оғзаки гапириб беришга тайёрланиб ўтиради. Мусобақада ғолиб чиққанлар юлдузча билан тақдирланади. Бу усул фан олимпиадаларида ҳам қўлланилади. Яъни унинг босқичларидан бири. Вақтга қараб сўзларни равон, соғ ва тез ўқиши. Бу усул мактабларда ҳам тез-тез ўтказилиб туриши, ғолиб бўлган ўқувчиларга совғалар берилиши, ўқувчиларда китобга бўлган қизиқишини ортишига сабаб бўлади;

• Парталарга аввалдан савол ёки топшируқ ёзилган карточкалар тарқатилади. Ўқитувчининг рухсати билан болалар карточкаларда ёзилган савол – топширикларни ўқийдилар ва матн ичидан шу савол топшириқقا мос жавоб излайдилар. Бунда ўқувчиларнинг ҳам фикрлаш доираси, ҳам тезлиги текширилади, бу ҳам жудаям қулай ва самарали усувлардан бири;

• Ифодали ўқиш – сўзларни тўғри талаффуз қилиб, асар мазмунини тушуниб, асарда ифода етилган ҳис туйғуни, қаҳрамонларнинг ички кечинмаларини, руҳий кайфиятларини англаб ўқиш демакдир. Яъниким, улар асарни шунчаки емас, мароқ билан қалбдан ҳис қилиб ўқишиди. Бу борада қобилаятли ўқувчилардан, адабиётшунослар, шоирлар, ёзувчилар чиқади.

Кўряпмизки, биргина ифодали ўқишини усувлари қанча қобилаятларни ривожланишига туртки бўляпти. Бу жудаям катта натижа. Зоро, "Мактабда ўқитиш методикаси ўзгармаса, таълим сифати ҳам, мазмуни ҳам, муҳит ҳам ўзгармайди," – деган еди Шавкат Мирзиёев ўз нутқларидан бирида.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- <https://m.aniq.uz>
- <https://fayllar.org>
- <https://bilib.academiascience.org>
- <https://hozir.org>